

**Ўзбек орнитонимлари тадқиқи ва унинг асосий йўналиши**

ТТА Урганч филиали Инглиз тили кафедраси ўқитувчиси

**Шомуротова Бибихон Ўктамовна**

[bibixon86@mail.ru](mailto:bibixon86@mail.ru)

Ўзбек орнитонимиясининг ўзига хосликларидан бири шундаки, қушлар миллий меросимизда қушлар олам тадқиқида борасида қушларга махсус бағишланмаган ёки номи таркибида қушларга алоқадор бўлмаган асарлар ўрни ҳам катта. Масалан, тасаввуф намоёндаларининг қушлар ва парвоз билан билан боғлиқ воқеаликларнинг айримлари Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асаридан ҳам ўрин олган. Ундан мавзуга бевосита алоқадор ҳисобланган айрим лавҳаларга эътибор қаратамиз. Асарда одамлар машҳур Зуннун Мисрий ғояларини, сулукини умр бўйи қабул қилмадилар. Лекин “Зуннун қаддаса сирроҳу оламдин ўтти. Жанозасин элтурда бениҳоят *яшил қушлар* жанозасига соя қилиб эрдилар. Андоқким, борғон халойиқ аларнинг кўлакасида эрди. Андин сўнгра Зуннунга халқ кўнглида қабул воқеъ бўлди” Алишер Навоий ушбу сўзлар давомида ёзишичи, “Қушлар муддатдин сўнгра Шофёбий раҳмуллоҳи алайҳи шогирди Муъаззинийнинг жанозасига кўрдиларким, соя солдилар”. Демак, бу сўзлар қадимдан қушларга илоҳий олам билан воситачи деган қарашлар замирида ҳақиқат борлигини кўрсатади. Шу билан бирга исломий ақидаларда яшид қушлар алоҳида тимсол саналишини ҳам билиб оламиз.

Сўфийликда парвоз алоҳида бир мақом ва манзил саналмаса ҳам, муайян маънога эгаллиги билан ажралиб туради. Сўфийнинг парвози Ҳақнинг ўзига хос фазли бўлиб, руҳий камолот учун хизмат қилмоғи керак. Шунинг учун Сўфи Оллоёр “Шариатсиз киши учса ҳавога, кўнгул қўйма ўнадоғ худнамоға” – дейди. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Жалолоддин Румий олти ёшида жума кун кечаси болалар билан ўйнаб юрганда бир-бирига “Келинг, бу томдин яна бир томга сакрайлик” – дейди. Шунда ёш Муҳаммад (Жалолоддин Балхий) “Бу ҳаракат ит ва мушук ишидур!.. Агар сизинг жонингизда қувват бўлса, осмон томига сакрайлик!” – деб бу ҳолатда томдин ҳавога кўтарилади. Шунда болалар йиғлашга тушади. Бир лаҳзадан сўнгра ёш Жалолоддин кўзлари ва ранги ўзгача бир тусда қайтиб, ўша томга тушади. Болаларга “Сизга ўша сўзни айтаган эдимки, яшил кийимлилар мени сизнинг

орангиздин кўтариб осмонга элттилар ва малакут ажойибини менга кўрсатдилар. Сизларнинг фиғон ва фарёдингиз чикқач, яна бу ерга туширдилар” – дейди.

Фаридуддин Аттор ўз муридларига дарвешларнинг мақсади ва амали ҳақида гапирар экан, солиқни бир қушга ўхшатади, яъни дарвеш бир қушдир бўлиб, осмонларда парвоз қила олмаса ҳам, камида томдан баланд кўтарилади: “қушки ердин юқори учқай, агарчи осмонга етмагай, аммо томдин йироқ бўлғай. Ҳамул навъ агар киши дарвеш бўлса, агар дарвешлик камолига етмаса, аммо мунча бўлғайки, зумраи халқдин ва бозор аҳлидин мумтоз бўлғай ва дунёнинг заҳматларидин сабуквор”

Илгари бордим, намоз қилурда кўрдум, бизинг била осмон орасида яшил ва оқ қушлар намоз қиладурлар. Чун намоздин фориг бўлдук, бир азимулхилқа яшил қуш ул қушлар орасиди инди ва тобут қошида ўлтурди ва тобутни ютти ва учуб ўзга қушларга кўшулди. Ва тасбиҳ ўқуй борурлар эрди, то назардин ғойиб бўлдилар. Мен мутаажжиб бўлдум. Ул киши деди: Эй Умар, эшитмаганмисан, шаҳидлар руҳи жаннатнинг хоҳлаган ерида сайр қиладиган яшил қушлар ичида бўлади. Булар қиличдан шаҳид бўлганлар. Аммо муҳаббат шаҳидларининг жасадлари ҳам, руҳлари ҳам яшил қушлар ичида бўлади. Бу киши улардандир, эй Умар!

Шайх дедики, менинг вафотимдин уч кундин сўнграки, фуқаро жамъ бўлғайлар, бир яшил қуш келгай, ҳар кимнинг бошига ўлтурса, ани менинг ўрнумга ўлтуртунгуз! Шайх вафотидин уч кундин сўнгра фуқаро жамъ эканда, ул яшил қуш келиб,

Мақом – манзил, марҳала, маънавин мавқе, мартаба, тўхтам. Нажмиддин Куброга кўра, “мақом йўлчилик юрғинлигидан кутулмоқ учун истироҳат ва кўноқламақдир. Ҳол – қушнинг икки қаноти, мақом эса унинг уяси янглиғдир.

Бир масъала мушкул бўлди. Лукмонни кўрдукки, хонақоҳ томидин учуб, бизнинг қошимизга тушти ва ул масъалани айтди. Андоқким, ишкол рафъ бўлди. Яна учуб, хонақоҳ чикди. Шояд бу баландпарвозлиғлар жиҳатидин Шайх Лукмонга паррандалиғ исми кўйилиб эрди экин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мифы народов мира. Том I. – М.: Советская энциклопедия, 1980.– С. 144. – С. 172.
2. Macdonell, Arthur Anthony. *Vedic Mythology*. Motilal Banarsidass, 2000.; O’Flaherty, Wendy Doniger. *The Rig Veda: An Anthology of One Hundred and Eight Hymns*. Penguin Classics, 1981.
3. Nolan, Patricia. *The Woman of the House: Gender, Social Change, and the Sacred in Early Medieval Ireland*. University of Notre Dame Press, 2010.
4. Фрезер Дж. Золотая ветвь. вып. III. – С.77-179.
5. Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. Рус тилидан С.Р.Рўзимбоев таржимаси. – Урганч: УрДУ ноширлик бўлими, 2018. – Б. 166.
6. Мифы народов мира. Том I. – М.: Советская энциклопедия, 1980. – С. 25.